

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-85  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрдаги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Бюджет назорати ва ғазначилиги”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини*

*Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”  
модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф.  
Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Деканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”  
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи  
Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий  
этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц.  
В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова,  
С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева .

“Мутахасислик фанлар” модули: академик С.С. Ғуломов,  
и.ф.д., проф. С.У.Мехмонов, PhD., доц. А.А.Остонокулов, PhD.  
Д.А.Шолдаров, кат. ўқит. Да.А.Тошмуҳаммедова, ўқит.  
У.У.Ачилов, и.ф.н., доц. Х.А. Қурбонов.

**Тақризчилар:** **Хорижий эксперт:** Халл Университети, “Бизнес” факультети  
доценти, доктор Мамун Ал Башир, Англия

и.ф.д., проф. Б.К.Ғойибназаров- Давлат статистика қўмитаси  
хузуридаги Кадрларни тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари  
Маркази директори

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтиносидиёт университети кенгашининг қарори  
билин тасдиқча тавсия қилинган (2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли баённома).

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнікмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлар**

- 3.1. Бюджет назорати ва ғазначилиги.
- 3.2. Бюджет ҳисоби ва назорати.
- 3.3. Хорижий мамлакатларда ғазначилик тизими.
- 3.4. Рақамли иқтисодиёт.

### **IV. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Бюджет назорати ва ғазначилиги” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Бюджет назорати ва ғазначилиги” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- бюджет тизими ва бюджет жараёнини;
- бюджет тизими бюджетларининг ҳуқуқий асосларини;
- ғазначилик тизимида бюджетларабо муносабатларнинг шаклларини;
- бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросини;
- ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва тамойилларини;
- бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси ва назоратининг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини;
- бюджет назорати ва бюджет ғазна ижросини таъминлашда ахборот тизимининг зарурлиги, моҳияти ва вазифаларини;
- Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболларини;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобини;
- бюджет ташкилотлари бюджет ҳисобини;
- бюджет ҳисоби ва назоратининг мазмуни ҳамда бюджет ғазна ижроси жараёнидаги аҳамиятини;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси назоратини;

- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этишнинг хусусиятларини;
- бюджет назоратини ташкил этиш ва амлга оширишнинг назарий ва ташкилий асосларини;
- бюджет тазоратини амлга ошириш механизмини;
- бюджет назоратни амлга оширишнинг илфор хориж тажрибаларини;
- давлат молиясини самарали бошқариш ва назорат қилишнинг асосий ривожланиш йўналишларини;
- рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамиятини;
- рақамли иқтисодиётнинг институтционал таркибини;
- рақамли иқтисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишларини **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетини тузиш, ижроси этиш, назорат этиш;
- бюджет ғазна ижроси механизми асосида дастлабки ва жорий назоратни ташкил этилиши;
- давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ғазна ижросини амлга ошириш;
- ягона ғазна ҳисобвараги ва шахсий ғазна ҳисобварағларини юритилиши;
- бюджет даромадларининг ғазна ижроси ва назоратини;
- бюджет ҳаражатлари ғазна ижроси ва назоратини амлга ошириш;
- давлат харидлайнин бошқарилиши ва нархлар мониторингидан фойдлниш;
- давлат молиявий назоратини амлга ошириш;
- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;
- рақамли иқтисодиётда электрон тијорат моделларини фарқлай олиш;
- рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар трансформацияси каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим**

**Тингловчи:**

- бюджет даромадлари ва ҳаражатларини динамик таҳлил қилишда иқтисодий моделларни қўллаш;
- бюджетлар ўртасида муносабатларни тартибга солинишини ғазначилик механизми қўлланишини билиш;
- бюджет жараёни босқичларини: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш, бюджет ижроси юзасидан ҳисботларни тузиш ҳамда тасдиқлаш, бюджет жараёнининг барча босқичларини назорат қилиш;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва ҳаражатлари ғазна ижросини назорат қилиш;
- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этиш;
- юридик ва молиявий мажбуриятларни шакллантириш асосида ҳаражатлар тўлови жараёнларини таҳлил қилиш;
- ҳаражатлар ғазна ижроси ҳисобини юритиш;

- бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ва назоратини услубиёти ташкил этиш;

- мамлакатимизда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболларини таҳлил қилиш;

- саноат 4.0 ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш;

- иқтисодиёт тармоқларининг рақамли трансформациясига **оид малакаларига эга бўлиши зарур.**

#### **Тингловчи:**

- давлат бюджетининг ғазна ижросининг ахборот тизимларини билиш, улардан фойдалана олиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳаси бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўtkазиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

- бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш;

- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этиш;

- давлат бюджетининг ғазна ижросининг халқаро амалиётдаги илғор тажрибалари имкониятларидан фойдаланишда давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига жорий этиш;

- бюджет ташкилотларининг сметалар лимитларига қатъий риоя этишлари назоратини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотлари харажатлари тўловларини молиявий мажбуриятлар асосида бошқариш ва назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республики молия вазирлиги ахборот тизимини ривожлантириш;

- саноат тармоқларининг рақамли трансформациялаш;

- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби **компетенцияларга эга бўлиши зарур.**

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# **“БЮДЖЕТ НАЗОРАТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИГИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

## **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугбий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

### **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Конунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-loyihalarни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (ложиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **П. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъruzza, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўкув-услубий кўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

### **2.2. Maxsus мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Maxsus мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оиласвий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий

ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сұхбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР**

#### **3.1. Бюджет назорати ва ғазначилиги**

Бюджет тизими бюджетлари. Бюджет тузилиши ва бюджет тизими. Бюджет тизими бюджетлари ҳуқуқий асослари. Бюджет жараёни босқичлари: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш, бюджет ижроси юзасидан ҳисоботларни тузиш ҳамда тасдиқлаш, бюджет жараёнининг барча босқичларини назорат қилиш. Бюджетлараро муносабатлар. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш асослари. Давлат бюджетининг даромадлари тизими. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари, уларни бюджет даромадлари таркибида тутган ўрни. Давлат бюджети ҳаражатлари тизими. Давлат бюджетининг ҳолати. Давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадларининг шаклланиши, ҳаражатлари йўналишлари. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармаси. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросининг зарурлиги, шарт-шароитлари. Ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросининг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асослари. Молия вазирлиги Ғазначилиги. Ягона ғазна ҳисобрақами ва шахсий ғазна ҳисобрақамларини очиш ва юритиш тартиблари. Ғазначилиқда юридик мажбуриятларни рўйҳатга олиш. Нархлар мониторинги. Молиявий мажбуриятлар. Ғазначилиқда ҳаражатлар тўловини амалга ошириш тартиби. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлари ғазна ижросини ташкил этиш. Бюджет даромадларининг ғазна ижросини ташкил этиш тартиби.. Ғазначилиқда давлат харидларини ташкил этиш ва бошқариш тартиби. ДМБАТ, ЎРМВАТ ва UzASBO тизимларининг хусусиятлари. Ўзбекистонда ғазначилик тизими тараққиёти истиқболлари. Ғазначилик амалиётида халқаро тажриба ва жаҳон андозалари.

#### **3.2. Бюджет ҳисоби ва назорати**

Бюджет ҳисоби ва назоратининг мазмуни ҳамда бюджет ғазна ижроси жараёнидаги аҳамияти. Бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услубий жиҳатлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ғазна ижроси ҳисоби.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳаражатларининг ғазна ижроси ҳисоби. Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисботлар. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ғазна ижроси бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида товар моддий заҳиралар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби. Бюджет ташкилотлари бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва ҳаражатлари ғазна ижроси назорати. Бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини ташкил этишнинг хусусиятлари.

### **3.3. Хорижий мамлакатларда ғазначилик тизими.**

Хорижий мамлакатларда давлат молияси тизими ва уни бошқариш. Хорижий Ғазначилик органлари ва уларнинг ваколатлари. Хорижий мамлакатларда бюджет жараёнини ташкил этилиши. АҚШ молия тизимида Ғазначилик департаментининг тутган ўрни ва аҳамияти. АҚШда ягона ғазна ҳисобрақмини бошқариш. Ғазначилик департаментининг бюджет жараёнидаги роли. Молия тизимини бошқариш тартиби. Молия бозорини бошқариш тартиби. Франция молия ва бюджет тизимини бошқаришнинг хусусиятлари. Францияда Ғазначилик дирекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг тузилиши. Ғазначиликнинг асосий вазифалари, бўлинмаларининг функционал вазифалари. Ғазначиликнинг давлат бошқарув ва ижроия органлари билан муносабатларини ташкил этиш. Россияда Ғазначилик шаклланишининг тарихи ва хусусиятлари. Ғазначилик органларининг мамлакат молия тизимини бошқаришдаги ўрни. Россия бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва ҳаражатларини бошқариш. Ғазначилик марказий аппаратининг ташкилий тузилиши. Европа мамлакатлари ғазначилик тизимлари хусусиятлари. Марказий Осиё мамлакатларида ғазначилик

тизимлари. Ғазначилик амалиётида Ўзбекистон Республикаси учун асос бўлган халқаро тажриба ва жаҳон андозалари.

### **3.4. Рақамли иқтисодиёт**

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва хуқуқий- норматив асослари. “Рақамли иқтисодиёт” ҳақида тушунча. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида рақамли инновацион технологияларнинг қўлланилиши. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” миллий стратегиясининг концепцияси. Рақамли иқтисодиёт 21-асрнинг инновацион технологиялари сифатида: барқарор ривожланиш йўлидаги тўсиқлар ва муаммолари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва хуқуқий- норматив асослари. Рақамли иқтисодиётда комплекс бир-бири тўлдирувчи технологияларнинг самарадорлиги. Рақамли иқтисодиётни комплекс инновацион технологиялари. Электрон хукумат ва электрон тижорат моделлари самарадорлиги. Саноат 4.0 ва унинг ривожланиши.

## **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъruzza билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик

таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрь “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август “Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь “Солик ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январь “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

20. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

22. Гулобод Кудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

23. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
24. Жуклинец И.И. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: Издательство Юрайт, 2016. С.504
25. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
26. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
27. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. –М.: Издательство Юрайт, 2019. С.195
28. Мехмонов С.У., Каримова З.Х., Турсунов А.С; “Бюджет тизими” Дарслик, Т.; “Иқтисод-молия”, 2018 йил. 544 бет.
29. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
30. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
31. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
32. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvstu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
33. Тиницкий В.М. Казначейское дело. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2016.
34. Туйчиев А.Ж., Остонокулов А.А., Ибрагимов К.Ш., Турсунов А.С. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби. Дарслик – Т.: “Иқтисод-Молия” 2019. –329 б.
35. Туйчиев А.Ж., Остонокулов А.А., Ибрагимов К.Ш., Турсунов А.С. Бюджет ҳисоби. Дарслик – Т.: “Иқтисод-Молия” 2018. –428 б.
36. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
37. Хамдамов Б.К. Бюджетный контроль. Учебное пособие – Т.: “Iqtisod - Moliya”, 2018. С.192.
38. Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Г.И. Абдрахманова, К.О. Вишневский, Л.М. Гохберг и др.; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с.

39. Цифровые дивиденды. WorldBank. Обзор и оглавление доклада о мировом развитии «Цифровые дивиденды». Электронный ресурс: [www.wds.worldbank.org/..World\\_OdevelopmolOdividendsCoverview.pdf](http://www.wds.worldbank.org/..World_OdevelopmolOdividendsCoverview.pdf)
40. Цифровые дивиденды. Обзор доклада о мировом развитии Всемирный банк – 2016
41. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
42. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
43. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
44. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
45. Hamdamov B.K., Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O'quv qo'llanma. – T.: “Iqtisod -Moliya”, 2018. 320 b.
46. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
47. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari hisobi. O'quv qo'llanma. – T.: “Iqtisod -Moliya” 2018. 192 b.
48. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
49. Toshmuxamedova D.A. Byudjet g`azna ijrosi. O`quv qo'llanma. – T.: “Iqtisod -Moliya”. 2019. – 430 b.
50. Toshmuxamedova D.A. G`aznachilik asoslari. O`quv qo'llanma. – T.: “Iqtisod -Moliya”. 2018. – 260 b.
51. Tuychiyev A.J., Toshmuxamedova D.A. G`aznachilik. Darslik. – T.: “Iqtisod -Moliya”. 2019. – 840 b.

#### **IV. Интернет сайлар**

52. [www.edu.uz](http://www.edu.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:
53. [www.aci.uz](http://www.aci.uz).- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси:
54. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш:
55. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz). - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ:
56. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz) - Электрон журнали:
57. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
58. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий сайти.
59. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
60. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали.
61. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz) – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайти.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т. Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Ректор \_\_\_\_\_ К.А. Шарипов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Д.А. Каримов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

